

УДК: 619.636.576.

ҚЎЙ ЭКТОПАРАЗИТЛАРНИНГ КИМЁПРОФИЛАКТИКАСИ***Ф.Ф.Жабборов***

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети, ассистенти.

E-mail: jabborovgiyosjon5000@gmail.com

Д.Х.Нишанов

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети, ассистенти.

E-mail: nishanovdilshod@gmail.com

И.Х.Райимкулов

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети, ассистенти.

E-mail: max.raim0330@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада қўй псороптозининг патогенлиги, эпизоотологик маълумотлари, касалликнинг кечиши ва белгилари келтирилган. Шунингдек, қўйларнинг псороптозида паразитларга қарши дори - ивермектин - 10 дан фойдаланиш ва дорининг самарадорлиги келтирилган.

Калит сўзлар. Эктопаразитлар, каналар, қўйлар, псороптидлар, ивермектин, спонтан, инъекция.

CHEMIOPROPHYLAXIS OF ECTOPARASITES IN SHEEP**ABSTRACT**

Pathogens, epizootological data, course and symptoms of sheep psoroptosis are given in the article. And also provides the results of the use of an antiparasitic drug - ivermectin - 10 with sheep psoroptosis.

Keywords. Ectoparasites, ticks, sheep, psoroptids, ivermectin, spontaneous, injection.

КИРИШ. Республикамизда қоракўл зотли қўйлар бош сони ва қоракўлчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини янада ошириш, наслчилик ишларини илмий асосда такомиллаштириш, қоракўлчилик маҳсулотлари ва хом ашёларини чуқур қайта ишлаш ушбу соҳа мутахассисларининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги “Чорвачиликда иқтисодий ислохатларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-2841-сонли, 2018 йил 14 мартдаги “Қоракўлчиликни жадал ривожлантириш чора-таadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-3603-сонли, 2019 йил 16 августдаги “Қоракўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-таadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-4420-сонли қарорлари ва “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида Давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-таadbирлари тўғрисида”ги 2019 йил 28 мартдаги ПФ-5696-сонли Фармони ҳамда Қарорлари соҳани жадал ривожлантириш учун жорий этилди. Ўтган давр мобайнида қоракўл зотли қўйларнинг бош сони қарийб 2 бараварга кўпайиб, соҳада олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қоракўл қўйларининг насли яхшиланди ва чўл озуқабоп экинларининг янги навлари яратилди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ.

Сўнгги йилларда айрим паразитар касалликлар, хусусан эктопаразитлар қоракўлчилик соҳасининг жадал ривожланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Чорва молларида паразитлик қилувчи эктопаразитларнинг кўп турлари мавжуд бўлиб, улар орасида каналар оғир асоратли касалликларни содир этади. Каналар - Acari (Acarida) – 10.000 дан ортиқ турга эга. Турли хил шароитда яшашга мослашган: тупроқда, ўсимлик, ҳайвон ва инсон организмида, Psoroptidae оиласига мансуб Псороптид–*psoroptes* авлоди каналари тери устида яшаб, терида йўл ҳосил қилмайди, балки терини тешиб хўжайин қони билан озикланади. Бу каналарнинг *P.ovis* тури қўйларда кўп тарқалган ва қўйчиликка катта зарар етказди. Тери усти каналар кўпинча жун қатлами қалин ва намлиги юқори бўлган терида паразитлик қилади организмнинг резистентлик даражаси пасайган қўйларда касаллик оғир кўринишда кечади. Терихўр каналарни ривожланиши, кўпайиши учун оптимал шароитда йилнинг совуқ даврида яратилади.

Каналар билан биринчи зарарланган тана соҳаси - бу ҳайвон танасининг икки ёнлари ҳайвон танаси бўйлаб кана ҳаракатланганида, улар ўзларининг сўрғичлари орқали тери рецепторларини яллиғлайди, тери қичиши юзага келиши натижасида қўзилар тишлари билан зарарланган жойларни жароҳатлайдилар, натижада яра ҳосил бўлиб, тери сўлак билан намланади. Бу эса каналарни кўпайиши учун бирламчи псороптозли манбага қулай шароит туғдиради. Каналарни сўлаги орқали яраларга тушган токсинлар оқибатида тери яллиғланади, унинг юзасига лимфа тўпланади, вақт ўтиши билан қуюқлашади ва ўлган эпидермис ҳужайралари билан биргаликда пўстлоққа айланади. Уларга йирингли микроблар тушиб ривожланади, кана ва уларнинг чиқиндилари терининг яллиғланиш жараёнини чуқурлаштиради ва бу организмнинг умумий ҳолатига таъсир кўрсатади.

Лизис оқибатида нобуд бўлган хужайралар ва модда алмашинувидаги маҳсулотларини, микробларнинг чиқараётган токсинлари организмга сўрилиши натижасида эозинофилия ва бошқа гемодинамик жараён ривожланади. Қўй организми резистентлигини ошириш омиллари кучайганида, масалан, ёзда жунлар олинганида, псороптозли жараён пасаяди ва сурункали оқимга ўтиб олади. Паразитлик қилувчи каналар ўзларининг организмда айрим жуда хавфли юқумли ва паразитар касалликларнинг қўзғатувчиларини олиб юради. Соғлом одам ва ҳайвонларнинг қонини сўриш пайтида касалликни юқтиради.

Тадқиқотнинг мақсади. Қоракўлчилик хўжаликларидида кўп учрайдиган ва соҳа ривожига жиддий зарар келтирадиган эктопаразитларга қарши курашиш ҳамда ҳайвонлар организми учун безарар бўлган янги воситаларни қўллаш усулларини такомиллаштириш.

НАТИЖАЛАРИ. Тадқиқот объекти ва усуллари сифатида Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги “Қоракўлчилик” МЧЖ отарларида боқилаётган қоракўл зотига мансуб қўй ва қўзиларда бажарилди. Бунинг учун спонтан касалланган қўйларда синовдан ўтказилди. Тажрибалар учун Псороптид–*psoroptes* каналари билан зарарланган 24 бош қоракўл қўйлари ажратиб, 50 кг гача тирик вазнига 1 мл/л ивермектин₁₀ препарати даволовчи дозада чот қисмига тери остига инъекция қилинди. Касаллик оғир кечган қоракўл қўйларда эса 8-10 кун оралиғида иккинчи маротаба қўлланилди.

Ивермектин-10 препаратининг 1 мл/л таркиби: Препаратнинг 1 миллилитрли таркибида 10 мг фаол ивермектин моддаси ва 40 миллиграмм Е витамини мавжуд. Эритма *Streptomyces* (*Lotin Streptomyces avermitilis*) нинг бактериал ферментациялаш йўли билан олинади. Ивермектин-10 препарати “Ўзбиокомбинат” қўшма корхонаси АЖ маҳсулоти. Препаратнинг ёрдамчи компонентлари: фенилкарбинол, политилен оксиди 400, инъексия учун сув, новокаин, метилкарбинолдан иборат. Ивермектин-10 Гамма-аминомой кислотасининг тормозлаш нейромедиаторини ишлаб чиқаришни кучайтиради, бу паразитларнинг нерв импульсларини узатилиши бузилишига, фалажиги ва ўлимига олиб келади. Ҳайвонларнинг аъзолари ва тўқималарида 10-14 кун давомида паразитни қирувчи таъсири сақланади. Тавсия этилган дозаларда кам захарли. Ивермектин-10 организмдан ўт суюқлиги, сийдик ва сут билан чиқади. “Ивермектин-10” йирик шохли ҳайвонлар, қўйлар, эчкилар, чўчқалар, отлар, итлар, мушукларнинг ички органларни гелминт (гижжа-личинка) ларига ва терисидаги паразитларига (қичима, қўтир, каналарига) қарши курашишда ҳамда даволаш учун ишлатилади. Ҳайвонларнинг тери остига, 50 кг тана вазнига 1 мл. (1 кг танавазнига 0,2мг) бир маротаба. Майда ҳайвонларга аниқ доза бериш учун етарли доза олиниб стерил сув билан суйилтириш мумкин. Оғир касаллик ҳолатида ишлов бериш икки маротаба 8-10 кун оралиғи билан қўлланилади.

Препаратнинг организмдан чиқиб кетиш вақти. Гўштучун - 21 кун, Сутучун - 7 кун.

МУҲОКАМА.

Псороптид–*psoroptes* каналари билан зарарланган қоракўл қўйлари отардан алоҳида ажратиб олинди ва зарарланган қўй қўзиларга 1 мл ивермектин препарати даволовчи дозада тери остига инъекция қилинди. Препарат қон таркибига тўлиқ ўтгандан 3-4 кун ўтиб каналарнинг ўлиб, қўйларнинг жунларини устига чиқиб қолиш ҳолатлари кузатилди. Касаллик оғир кечган имунитети паст организмда модда алмашинуви жараёни бузилган тўйимсиз, сифатсиз озуқалар билан озиклантирилган қўйларда эса каналарнинг ўлиши бироз суст бўлганлиги сабабли 8-10 кун оралиғида иккинчи мартаба препарат 2 мл кучайтирилган дозада қўлланилди.

ХУЛОСА.

Ивермектин-10 препаратини қўйларга қўллаш натижасида Псороптид–*psoroptes* каналарининг қўзғатувчиларига қарши курашишда самара беради. Белгиланган дозаларда қўлланилганда организмга салбий токсик таъсирини намоён этмайди. Препарат ошқозон-ичак тизими ва ўпка нематодалари, тери ости, бурун-ҳалқум ва ошқозон бўкаларининг личинкалари, қон сўрувчи битлар ва саркоптоид каналарнинг личинка ва вояга етган босқичларига кучли паразитларга қарши таъсир кўрсатади. Йилнинг мавсумига ташқи муҳитнинг ҳароратига боғлиқ ҳолда эктопаразитлар билан касалланган қўйларни қуруқ ва ҳўл усулдан фойдаланиб даволаш ҳамда эктопаразитлар билан зарарланишни олдини олиш самара беради.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Бердиев, Х. Р., & Давлатов, Р. Б. (2021). Эффективность Enrovit-O при химической профилактике колибактериоза цыплят.
2. Butaeva, I. M., Salimov, H. S., & Davlatov, R. B. (2020). On The Diagnosis Of Mixed Bacterial Infections Of Birds. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(9s), 2308-2315.
3. Berdiyevich, D. R. (2023). TO DETERMINE THE EFFECTIVENESS OF ANTIBIOTICS IN PREVENTING CHICKEN COLIBACTERIOSIS BASED ON EXPERIMENTS.
4. Do'skulov, V. M., Ibragimov, F. M., & Mamadullaev, G. X. (2022). QORAMOLLARDA TUBERKULOZ KASALLIGIDA OLINADIGAN MAXSULOTLARNING VETERINARIYA SANITARIYA EKSPERTIZASI. *Journal of Integrated Education and Research*, 1(7), 18-20.
5. Давлатов, Р. Б., Салимов, Х. С., & Тоиров, Ж. Э. ЧУВСТВИТЕЛЬНОСТЬ КОЛИБАКТЕРИОЗА ПТИЦ К АНТИБИОТИКАМ COLIBACTERIOSIS SENSITIVITY TO ANTIBIOTICS. *ББК 65.2 С56*, 39.
6. Давлатов, Р. Б. (2023). ТОВУҚ КОЛИБАКТЕРИОЗИ (АДАБИЁТЛАР ШАРХИ). *INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM*, 3(26), 107-111.

7. Давлатов, Р. Б., & Хушназаров, А. Х. (2022). ҚУЁН ЭЙМЕРИОЗИ ЭПИЗООТОЛОГИЯСИ ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ. *AGROBIOTEXNOLOGIYA VA VETERINARIYA TIBBIYOTI ILMIY JURNALI*, 181-184.
8. Давлатов, Р. Б., Салимов, Х. С., & Худжамшукуров, А. Н. (2018). Парранда касалликлари" ўқув қўлланма Самарқанд.
9. Давлатов, Р. Б., Расулов, У. И., & Исломов, Г. П. (2018). МЕТОДЫ ТЕРАПИИ И ПРОФИЛАКТИКИ ПИРОПЛАЗМОЗА КРУПНОГО РОГАТОГО СКОТА. In *Современное состояние, традиции и инновационные технологии в развитии АПК* (pp. 73-76).
10. Давлатов, Р., & Мишин, В. (2008). Одновременная профилактика эймериоза и колибактериоза. *Животноводство России*, (5), 17-18.
11. Давлатов, Р. (2008). Коликокцид-препарат против эймериоза и колибактериоза птицы. *Птицеводство*, (1), 28-28.
12. Давлатов, Р. Б., & Бердиев, Х. Р. (2021). ТОВУҚ КОЛИБАКТЕРИОЗИНИНГ КИМЁПРОФИЛАКТИКАСИДА ОФЛОСАННИНГ САМАРАДОРЛИГИ. *Вестник Ветеринарии и Животноводства*, 1(1).
13. Давлатов, Р. Б., Салимов, Х. С., & Тоиров, Ж. Э. (2018). ВОПРОСЫ ЭПИЗООТОЛОГИИ ЭШЕРИХИОЗА ПТИЦ В УЗБЕКИСТАНЕ. In *Современное состояние, традиции и инновационные технологии в развитии АПК* (pp. 67-73).
14. Gafurov, A. G., Davlatov, R. B., & Rasulov, U. I. (2011). Protozoal diseases of farm animals.
15. Гафуров, А. Г., Давлатов, Р. Б., & Расулов, У. И. (2013). Ветеринарная протозоология. *Учебник для ВУЗа.-Т.:«Зарафшан*.
16. Ibragimov, F. M., & Bo'ronov, A. N. (2022). TURLI OZUQALAR BERIB BOQILGAN QUYON GO 'SHTINING SIFAT TAHLILI. *AGROBIOTEXNOLOGIYA VA VETERINARIYA TIBBIYOTI ILMIY JURNALI*, 102-105.
17. Isoqulova, Z. X. (2021). Qishloq xo 'jalik hayvonlarining trematodozlari haqida ma'lumot. *Science and Education*, 2(12), 97-101.
18. Jabborov, G., & Rayimqulov, I. X. (2022). QO 'Y VA ECHKILARNING EKTOPARAZITLARI VA ULARGA QARSHI DORI VOSITALARINI SINOVDAN O 'TKAZISH. *AGROBIOTEXNOLOGIYA VA VETERINARIYA TIBBIYOTI ILMIY JURNALI*, 86-89.
19. Khasanovich, N. D., & Bakhodirovich, Y. J. DIAGNOSTICS AND SOME FEATURES OF DEMODECOSIS IN DOGS OF THE SAMARKAND REGION. *SCIENCE EDUCATION PRACTICE*, 126.
20. Nishanov, D. X., & Arabov, J. M. (2022). ITLAR DEMODEKOZINI SAMARALI DAVOLASH USULI. *AGROBIOTEXNOLOGIYA VA VETERINARIYA TIBBIYOTI ILMIY JURNALI*, 318-322.
21. Ниязов, Ф. А., Давлатов, Р. Б., & Дурдиев, Ш. К. (2007). Особенности ассоциированного течения эймериоза и колибактериоза птиц. In *Болезни птиц в промышленном птицеводстве. Современное состояние проблемы и стратегия борьбы. Матер. научно-произв. конф* (pp. 324-327).

22. Курбанов, Ш. Х., Отабоев, Х. Э., Эшқораев, А. М., & Фармонов, М. У. (2022). ЖИГАР ТРЕМАТОДАЛАРИНИНГ БИОЭКОЛОГИК ВА ЭПИЗООТОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ. *RESEARCH AND EDUCATION*, 1(9), 256-264.

23. Kh, K. S. (2021). Biology, Ecology, Morphology And Epizootological Characteristics Of Sheep Moniesis. *The American Journal of Veterinary Sciences and Wildlife Discovery*, 3(03), 8-14.

24. Курбанов, Ш. Х., & Салимов, Б. (2019). О распространении кишечных цестод овец в условиях Узбекистана. *Global Science and Innovations: Central Asia*, 2, 32-35.

25. Курбанов, Ш. Х. (2022). ҚЎЙЛАРНИНГ АНОПЛОЦЕФАЛЯТОЗЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҚЎЗФАТУВЧИЛАРИ. *AGROBIOTEKNOLOGIYA VA VETERINARIYA TIBBIYOTI ILMIY JURNALI*, 246-251.

26. Kurbanov, S. K., & Salimov, B. S. (2020). Pathogens of intestinal cysts of sheep, their epizootology, diagnosis and profilactics. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 9(2), 30-55.

27. Рустамов, Б. С., & Давлетов, Р. Б. (2019). СПЕЦИФИЧЕСКАЯ АКТИВНОСТЬ ПРЕПАРАТОВ ПРИ ГИСТОМОНОЗЕ ИНДЕЕК. In *СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ, ТРАДИЦИИ И ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В РАЗВИТИИ АПК* (pp. 116-119).

28. Рустамов, Б. С., & Давлатов, Р. Б. (2021). КУРКАЛАР ГИСТОМОНОЗИНИ ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИЩДА ВИТАМИНЛИ КОМПЛЕКСЛАРНИ СИНОВДАН ЎТКАЗИШ. *ВЕСТНИК ВЕТЕРИНАРИИ И ЖИВОТНОВОДСТВА*, 1(2).

29. Rustamov, B. S., & Davlatov, R. B. Prevalence and Treatment of Turkeys Histomonosissamarkand Institute of Veterinary Medicine. *International Journal of Innovations in Engineering Research and Technology*, (1), 1-5.

30. Райимкулов, И. Х., & Кулиев, Б. А. (2019). Гистохимические показатели при экспериментальной пневмонии у каракульских ягнят.

31. Rustamov, B. S., Berdiyev, X. R., Abduraimov, A. A., & Barotov, U. Z. (2022). KURKA ASKARIDIOZINI DAVOLASHDA QO ‘LLANILAYOTGAN ANTGELMINTIK PREPARATLARINING SAMARADORLIGI. *AGROBIOTEKNOLOGIYA VA VETERINARIYA TIBBIYOTI ILMIY JURNALI*, 373-376.

32. Рустамов, Б. С. (2021). Эффективное средство профилактики и лечения гистомоноза индейки.

33. Турсункулов, А. Р., & Хушназаров, А. Х. (2020). ҲАЙВОНЛАРНИНГ ЛАРВАЛЬ ЦЕСТОДОЗЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ. *ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ*, 332.

34. Худжамшукуров, А. Н., & Давлетов, Р. Б. (2019). РАСПРОСТРАНЕНИЕ ЭЙМЕРИОЗА КУР В УСЛОВИЯХ УЗБЕКИСТАНА И ИСПЫТАНИЕ ЭЙМЕРИОСТАТИКОВ ДЛЯ ЕГО ПРОФИЛАКТИКИ. In *СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ, ТРАДИЦИИ И ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В РАЗВИТИИ АПК* (pp. 167-171).

35. Худойбердиевич, Х. А., Хушназарова, М. И., & Исокулова, З. Х. (2022). ҚУЁН ЭЙМЕРИОЗИНИНГ ТАРҚАЛИШИ, ДИАГНОЗИ, ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ. *RESEARCH AND EDUCATION*, 1(9), 245-249.

36. Хушназарова, М. И., Расулов, У. И., & Исакулова, З. Х. (2022). СОВРЕМЕННЫМ И ПЕРСПЕКТИВНЫМ МЕТОДАМ ВЕТЕРИНАРНО-САНИТАРНОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF THEORETICAL & APPLIED SCIENCES*, 3(2), 81-84.

37. Хушназарова, М. И., & Расулов, У. И. (2022). ҚУЁН ГЎШТИНИНГ ВЕТЕРИНАРИЯ САНИТАРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ. In *INTERNATIONAL CONFERENCES* (Vol. 1, No. 21, pp. 78-83).

38. Хушназаров, А. Х. (2022). ОБЗОР ЛИТЕРАТУРНЫХ ДАННЫХ ПО ХИМИОТЕРАПИИ И ХИМИОПРОФИЛАКТИКИ ЭЙМЕРИОЗА КРОЛИКОВ. *PEDAGOGS journali*, 23(2), 83-86.

39. Хушназаров, А., Райимкулов, И., & Эшқораев, А. (2023). ЗАМОНАВИЙ КАТАКЛАРДА ҚУЁНЛАРНИ БОҚИШ УСУЛЛАРИ. *Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences*, 3(1 Part 2), 52-57.

40. Хушназаров, А. Х., Хушназарова, М. И., & Исокулова, З. Х. (2023). ЭЙМЕРИОЦИД ПРЕПАРАТЛАРНИ ҚУЁН ЭЙМЕРИОЗИДА ҚЎЛЛАШ. *Innovative Development in Educational Activities*, 2(1), 138-143.

41. Хушназаров, А. Х., Райимкулов, И. Х., Эшқораев, А. М., & Давлатов, Р. Б. (2023). ҚУЁН ЭЙМЕРИОЗИНИНГ КИМЁПРОФИЛАКТИКАСИ. *SCHOLAR*, 1(2), 56-62.

42. Usmonov, I. (2022). QORAMOLLARNING ANOROLOTSEFALYATOZLAR. *AGROBIOTEKNOLOGIYA VA VETERINARIYA TIBBIYOTI ILMIY JURNALI*, 403-406.

43. Muhammadiyeva, S. X. (2022). SAMARQAND VILOYATI SHAROITDA QORAMOLLAR MONIEZIOZNING EPIZOTOLOGIYASI. *RESEARCH AND EDUCATION*, 1(9), 489-495.